



Уламо ва бойларимиз иттифокга келмовлари или баробар сайловни зўр тартибсизлик или ўтказдилар. «Шўрои ислом»га товуш берувчига такfir килувлардин ва бошка зўрлик или ўз нўмирларини халкка таратувдин, учунчи нўмирни олмай ўнунчига товуш берувни хохлаганларни махалладан чикармок, ўлук-тиригига кирмаслик или таҳдид килдилар. Сайлов куни низомга хилоф ўларок, хар кимни ўз тарафига кучлаб ундадилар. Масалан бизнинг «Беш оғоч» даҳасина тобеъ «Хўжа Нуриддин» мозорида шундай вokiъалар бўлди: эрта билан сайловга бормок касди или кўчага чикдим. Катта саллалик муллалар, зўр коринлик бойлар кўлларинда даста-даста ўз сайлов нўмирларин олиб, баланд овоз или ўткан-кетканларга ўз нўмирларин таргиб килмакда, хаттоки «Учунчини олмаган кофир! Ўнунчини хохлаган бадмазхаб!» деб кичкирмакда эдилар. Бу зотларнинг хадларидан бунча тажовуз килганларига таассуф чекиб, участка эшикига етдим. Бу ерда кўлларинда учунчи нўмир когаз ушлаган муллалар ва махалла имомлари дасталаб бўлиб, контрўл равишинда текшириб, агарда учунчи тарафдори бўлса хўб,

ўнунчи бўлса неча хил мазаммат илида кўлидан конвертин олиб, ўз кўллариндаги учунчи жойланган конвертни бермакда эдилар. Сайлов бутун боскунчилик холин олган эди. Бу холни кўргач, милитсияга мурожаат килдим. «Маат-таассуф, муллалардан кўркаман!» деган жавобни эшитдим. Раисга билдирмок бўлиб эдим, тигизликдан уйга кирмок мумкин бўлмади. Хайрон бўлиб туриб эдим, бир танишим ёнимга келиб: «Бу ерда ўнунчидан дам ура кўрманг, муллаларнинг тарафидан кўюлган маҳсус кишилар бор, агарда муллаларга еткузсалар сизга хужум килувлари эхтимол», деди. Вокиъан хужум килувларин ўзимда сезган эдим. Чунки баъзи муллаларнинг ва бойларнинг ўз оғзидан: «Хар ким ўнунчига таргиг килса тўб-тўгри уриб ўлдириш», деганларини халидан хали эшитмакда эдим. Бу холларни кўргач, бутун хушим бошимдан учди.

Бояги эшик контроллари олдига кайтиб оларнинг сиёсатларига караб туриб эдим, кора куч тарафдорлариндан бир маҳдум менга ўқрайди. Бу муҳтарам зот-бобаракот маҳдумнинг хўмраювин дарров сездим ва дедимки: «Маҳдум афанди, мен халкни таҳдид ва такfir ила кўркутиб «Шўрои ислом» испискасига таргиг килмаячикмин. «Шўрои ислом» бу ишни хар бир кишининг инсоф виждонина топширмишdir. Аммо сиз муҳтарам маҳдумнинг уламо-боён жамиятингиз тарафидан билмадим на учундир низом ва конунга хилоф харакатлар кўрулмакдадир. Менга ўқрайманг! Хаксизлик каю тарафда бўлса шу тарафка ўкрайинг!», дедим.

Шу аснода атрофимни халиги маҳдумга ўхшаш зотлар чулгаб олмиш, гўёки маҳдумнинг буйругини кутмакдалар, токи менга хужум келтурсунлар. Маҳдум ранги бўзарган холда маним ёнларимга ва кўлтугим орасига каранур эди. Токи ўнунчи нўмирдан бўлса тортиб олсун хамда дўстларига буюриб урдирсин. Менда хеч нарса йўглигини билиб бошка тарафка йўналди.

Хамон бояги боскунчилик хукм сурмакда, ўнунчини йиртиб, учунчини бермок давом этмакда, балки борган сайин ривожланмакда эди. Такfir ва таҳдидлар...

Шул орада ёшлардан мулла Зайниддин афанди Хусаинов кора куч тарафиндан каттиг равишда кийналди. Бу холларни кўргач, кора халк орасинда турмакни хавфлик санаб, участкадан чикдим. Маним ила баробар кўб кишилар учунчига овоз берувга виждонлари кабул килмай, ўнунчига бермокка муллалардан кўркиб, сайловдан маҳрум бўлиб кетдилар. Биноан алайхи бу сайловимиз яширин, текиз, хар кишининг хохишича бўлмай, уламо, бой ва маҳдумлар боскунчилиги остинда ижро этилди. Бунга таассуф этмаска мумкин тугил. Чунки учунчи испискада хуррият ва хукукга шул кадар карши эскилик тарафдори кора гурухлар борки, булар хоким бўлганда на бир тартибли мактаб ва на бошка ислохот кўуруга мумкин тугил.

Мазлум (Эски шахарлик)

«Улуг Туркистон»[2] — 1917 йил, 4 август, 20-сон, 4-бет